

Ё жаннат, ё дўзах



12:01 / 19.11.2018 2880

Закариё Абдий Иброҳим Нахайй ҳақида шундай дейди: “У бетоб бўлиб қолгач, йиғлади. Ундан: “Эй Абу Имрон, нега йиғлаяпсан?” деб сўрашди. У: “Қандай қилиб йиғламай, ахир Роббимнинг элчиси менга ё жаннат, ё дўзахнинг хабарини беришини кутиб турибман-ку”, деди”.

Сабрнинг самараси

Ҳавшаб Иброҳим Таймийдан ривоят қилинади: “Тушимда дарё бўйига келиб қолгандек бўлдим. Менга шундай дейилди: “Сабр қилганинг ва ғазабни ичингга ютиб турганинг учун ич, ўзинг хоҳлаган кишингга ҳам ичир”.

“Солиҳлар гулшани” китобидан